Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 180 (7070). | 21 сентябрь, 1979 йил ◆ ЖУМА | Баҳоси 2 тийин.

СОЦИАЛИСТИК ЭКОНОМИКА АФЗАЛЛИКЛАРИДАН ТЎЛИҚРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

20 сентябрь куни Тошкентда республика партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Унда область партия комитетларининг ва Тошкент шаҳар партия комитетининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раисларининг ўринбосарлари, республика министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг, область план комиссияларининг, министрликлар ва идоралар иқтисодий муассасаларининг, йирик корхоналар ва қурилиш ташкилотлари бошланғич партия, комсомол, касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари қатнашдилар.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг «Хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ҳамда партия ва давлат органларининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга хўжалик механизмини таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорларини ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига биноан тайёрланган ҳужжатларда баён этилган принципларнинг амалга оширилиши иқтисодий ва социал ривожланишга раҳбарлик қилиш савиясини кўтариш имконини беради.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов, Фарғона область ижроия комитети раисининг ўринбосари П. В. Догонкин, Ўзбекистон ССР Госснаби раиси Т. Я. Шарипов, республика Госстройи раиси В. С. Скребнев, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов, Ўзбекистон ССР меҳнат давлат комитетининг раиси Қ. Муртазоев, Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори А. Б. Бурхонов, «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Набиев иштирок этдилар.

Докладда ва нутқларда таъкидлаб ўтилганидек мамлакат экономикаси ривожининг ҳозирги даражаси, ишлаб чиқариш алоқаларининг мураккаблашуви, фан-техника революцияси халқ хўжалигини бошқаришни ташкил этишга нисбатан тобора юқсак талаблар қўймоқда. Муҳокама қилинаётган ва КПСС XXV съезди, Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига биноан тайёрланган ҳужжатларда баён этилган принципларнинг амалга оширилиши иқтисодий ва социал ривожланишга раҳбарлик қилиш савиясини кўтариш имконини беради.

Экономикани бошқаришни такомиллаштиришга оид вазифалар комплексининг ҳал этилиши муҳим хўжалик-сиёсий проблема эканини йиғилиш қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар. Республика партия комитетлари, маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари, министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар халқ хўжалиги барча бўғинлари фаолиятининг уюшқоқлиги ва уйғунлигини таъминлаш учун кенг миқёсда ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишни авж олдириб юборишлари лозим. План ва хўжалик органларининг куч-ғайратларини юқсак пировард иқтисодий натижаларга эришишга ва шу асосда кучайиб бораётган ижтимоий эҳтиёжларни ва гражданларнинг шахсий талабларини янада тўла-тўкис қондиришга сафарбар этиш зарур. Госплан, бошқа давлат комитетлари ва хўжалик органлари, ишлаб чиқариш коллективлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорларини сўзсиз бажариш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари керак, бу ишни шу йилнинг планини ва умуман бешйилликни бажариш билан узвий равишда боғлаб олиб бориш лозим. Навбатдаги ва келгусидаги ижтимоий-иқтисодий программаларни ишлаб чиқишда тармоқ ва территориал ривожланишни оқилона бирга қўшиш, хўжалик проблемаларини комплекс ҳал этиш, зарур турдаги сифатли маҳсулотга ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондиришни кўзлаб планларнинг балансланган бўлиши принципларини изчиллик билан ўтказиш зарур. Планларнинг сифатига нисбатан талабчанликни ошириш, уларга ҳақиқий базжарилиш даражасига мослаб тузатишлар киритилишига йўл қўймаслик керак. Республика министрликлари, идоралари ва Госснаби шартнома интизомини мустаҳкамлашлари, қўлланилаётган рағбатлантириш ва жазолаш тадбирларининг ролини оширишлари лозим.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига хўжалик механизмини такомиллаштиришга доир қарорларнинг моҳиятини кенг миқёсда тушунтириш таклиф этилди. Иқтисодий таълим, партия ва комсомол ўқуви системаларида, коммунистик меҳнат мактабларида партия ва ҳукумат қарорларини чуқур ўрганишни ташкил этиш керак. Меҳнаткашларнинг хўжалик ташаббусини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, омманинг активлигини ошириш, бу активликни конкрет ишларга, КПСС XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун кўрашга сафарбар қилиш зарур.

Йиғилишда Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари қабул қилган қарорда планлаштириш ва хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг янги принципларини амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Грєков, Н. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Н. С. Перун, СССР Госплани капитал маблағ йиғма бўлимининг бошлиғи Н. Н. Баришников, СССР Госплани территориал планлаштириш ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш йиғма бўлимининг бошлиғи В. Б. Негруца қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ДЕФОЛИАЦИЯ ТУГАЛЛАНДИ

«Занғоғи кема»ларга кенг иш фронти тайёрлаш учун курашаётган Бўка район пахтакорлари ғўза дефолиациясини қисқа вақтда сифатли тугалладилар. Район хўжаликларида пландаги 21 минг 675 гектар ўрнига 21 минг 931 гектар ердаги ғўза дефолиация қилинди.

Ғўза баргини сунъий тўктириш «Партия XX съезди», «Ленинобод» колхозларида айниқса жадал суръатларда ўтказилди. Бу хўжаликларда планда белгиланганидан ортиқ пахта майдонларига дефолиантлар сепилди.

«Коммунизм» колхози механизаторлари эса 590 гектар майдондаги ғўзани фақат трактор аппаратлари билан дефолиация қилдилар. Бу ишда механизаторлардан Р. Сойбов, Т. Назаров, Б. Раҳмонов, З. Ёқубовлар айниқса ғайрат кўрсатдилар.

ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзолари ғалабаликларнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирларини белгиладилар. Бу йил ҳар гектар майдондан 35 центнердан пахта йиғиб-териб олиш учун курашаётган колхоз меҳнаткашлари пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 15 октябргача бажаришни режаладилар. Колхозда етиштирилган ҳосилнинг 90 проценти машиналарда териб олинади. Ҳозир машина теримига ҳамма парса тахт қилиб қўйилган.

С. Сегизбоев номли совхознинг Н. Турсунов раҳбарлик қилаётган бўлими коллективи ҳам пахта тайёрлаш планини 14 октябргача, социалистик мажбуриятини эса 25 октябргача бажаришни режалади. Бўлимда 596 гектар адр майдонларининг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» етиштириш мўлжалланган.

«Оққўрғон» совхози пахтакорлари ғўза дефолиациясини тугелладилар. Бу ерда пахта териш машиналари далага слиб чиқишга шай турипти.

ТЕРИМЧИЛАР ШИЖОАТИ

Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг теримчилари ўртасида кўпмиг килограммчилар ҳаракати кенг қанот ёзмоқда. Ҳозир хўжаликнинг юздан ортиқ чевар теримчиси бу ҳаракатга қўшилган. Улар навсумда хирмоига 6—8 тоннадан «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олганлар.

Хўжалик кўпмиг килограммчи теримчилари ўртасидаги социалистик мусобақада дастлабки кунлардан бошлаб Мавжуда Абдураҳмонова пешқадамлик қилаётир. У кунига 170—180 килограммдан пахта териб, белгиланган нормани 2,5 ҳисса ошириб бажармоқда.

Пахтазорларда Машкура Эсонова, Ҳайри Ниншобоева, Майсара Юсупова сингари чеварлар ҳам шижоат кўрсатмоқдалар. Улар 140—150 килограммдан пахта териб, кунлик нормани 2 баробар ошириб адо этаётирлар. Чевар теримчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли колхозда пахта терии ва тайёрлаш суръати ортиб боряпти.

Т. ҚОСИМОВ.

Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз пахтазорларида кўпмиинг килограммчи теримчилар мусобақаси кенг қулоч ёйди. Илғор теримчилар шахсий мажбуриятлар қабул қилиб ўзаро меҳнат беллашувида намуна бўлмоқдалар. З. Шукурова (чапдан), Ҳ. Шукурова, Г. Алазова, С. Ҳалилова, Л. Ломанова, И. Комилова, Н. Алазова, Н. Нишонова, Ф. Эргашева, З. Тошматова, З. Бадаловалар ҳам пешқадамлар сафида бормоқдалар. Улар кунига хўжалик хирмонига 100—110, килограммдан «оқ олтин» тўкишмоқда.

А. Абалян фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 20 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — район лар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида)

Янгийўл	0,52	2,32
Чиноз	0,50	2,04
Бекобод	0,44	1,96
Оққўрғон	0,40	1,64
Бўка	0,39	1,63
Пискент	0,46	1,59
Ўрта Чирчиқ	0,16	0,64
Коммунистик	0,15	0,41
Ғалаба	0,11	0,31
Область бўйича:	0,35	1,39

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒЎЗАНИ ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН 20 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — жами (планга нисбатан процент ҳисобида).

Оққўрғон	18,5	102,4
Ғалаба	18,3	101,4
Бўка	14,4	101,1
Бекобод	16,7	99,3
Пискент	13,6	97,1
Янгийўл	10,7	92,4
Чиноз	15,6	88,9
Ўрта Чирчиқ	12,4	62,8
Коммунистик	15,4	54,4
Область бўйича:	20,9	98,4

КАЛИНИН РАЙОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Калинин райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини амалга ошира боркб, 20 сентябрда беш йилликнинг тўртинчи йили учун белгиланган халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдилар.

Тошкент шаҳри ва мамлакатнинг бошқа саноат марказлари аҳолисига пландаги 86400 тонна ўрнига 91200 тонна сабзавот етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 2,2 минг тонна кўпдир.

Давлатга 9685 тонна картошка сотилди ва бу соҳадаги мажбурият 107,5 процент бажарилди. Қовун-тарвуз плани ҳам ошириб адо этилди. Давлатга дон сотиш топшириғи муваффақиятли уддаланди. Шу кунларда мева ва узум топшириш планларини муддатдан илгари бажариш учун қизғин курашилмоқда.

Шуни қувонч билан қайд этиш керакки, районда давлатга сабзавот, мева, дон топшириш беш йиллик планлари ҳам бир йўла бажарилди. Масалан, беш йиллик планда кўзда тутилган 401600 тонна ўрнига 401620 тонна сабзавот, 20750 тонна ўрнига 25386 тонна мева сотилди.

Деҳқончилик, боғдорчилик маданиятн юксалиб бораётганлиги туфайли ҳосилдорлик кўтарилиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда айниқса «Хасково», «Партия XXI съезди», «Назарбек», «Қорасув», Свердлов номли совхозлар, «Москва», Калинин номли, Оржоникидзе номли, «Партия XX съезди» колхозлари яхши натижаларга эришмоқдалар.

Оржоникидзе номли колхоздан Ҳаким Давлатов, «Москва» совхозидан Раҳмат Ҳомиджонов, Калинин номли колхоздан Ҳамид Каримов, «Қорасув» совхозидан Абдураҳим Шерматов, Раҳмат Ортиқов ўртоқлар бошлиқ бригадалар айниқса, яхши натижаларга эришдилар. Улар мажбуриятларини ошириб бажариб, шу кунларда икки йиллик панни бажариш учун курашмоқдалар.

Чорвачиликда ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди. 8 ой давомида гўшт топширишда 130 процент, сут топширишда 12 процент, тухум бўйича 130 процент ўсишга эришилди.

Ҳашак тайёрлаш топшириғи 100,1 процент бажарилди. Пилла етиштириш ва давлатга топшириш 121 процент, жун 115 процент адо этилди. Саноат корхоналарининг коллективлари ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. 8 ой давомида социалистик мажбурият 102,8 процент бажарилди.

Шу кунларда барча колхоз ва совхозларда мева, сабзавот, қовун-тарвуз ва узум ҳосилини йиғиб олиш ва давлатга топшириш давом этмоқда. Келгуси йил ҳосилига замин яратилаётир.

Район меҳнаткашлари йилнн муносиб якунлашга аҳд қилиб, давлатга сотиладиган ялпи сабзавот миқдорини 120 минг тоннага етказиш, яъни эммага олинган мажбуриятдагига нисбатан 10 минг тонна кўп сабзавот сотишга аҳд қилдилар. Бошқача қилиб айтганда шаҳарликларга яна 30 минг тонна сабзавот етказиб берилади.

Район меҳнаткашлари бешйилликнинг тўртинчи йилини халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича муваффақиятли якунлаш учун узаро социалистик мусобақани кун сайин авж олдириб меҳнат қилмоқдалар.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

19 сентябрь куни СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планининг ҳамда СССР давлат бюджетининг 1979 йил саккиз ойи мобайнидаги бажарилиш якунлари кўриб чиқилди, ҳамда 1980 йилги план-бюджет лойиҳалари муҳокама қилинди.

Кенг қулоч ёзган социалистик мусобақа натижасида шу йилнинг саккиз ойи ичида экономикани ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришилди. Мазкур давр мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1978 йилнинг шу даврига нисбатан 3.6 процент кўпайди. Халқнинг турмуш даражасини кўтариш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бир қанча министрликлар маҳсулотнинг баъзи бир энг муҳим турларини ишлаб чиқаришни етказиб бериш, асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармадилар. Темир йўл транспорти ҳамон қониқарсиз ишламоқда. Айрим министрликлар меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларининг бажарилмаслигига йўл қўйдилар.

СССР Министрлар Совети СССР министрликлари, идоралари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига йилнинг қолган даврида аниқланган камчиликларни тугатиш ва 1979 йилги планда белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифасини юклади. Ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотларни 1979—80 куз-қиш фаслида ишлашга жуда қисқа муддатда тайёрлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Тайёрлаш министрлиги, СССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти Давлат комитети қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш, кузги экишлар экишни ва ерларни шудгор қилишни тезлаштириш ишларини тезроқ тугаллаш, шунингдек ем-хашак ғамлаш суръатларини кучайтириш ҳамда чорвачиликнинг ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш, чорва туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтилди. Давлат топшириқларини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш, моддий, энергетика ва меҳнат ресурсларини тежаш учун кураш, деб уқтириб ўтди М. А. Суслов, ҳар бир корхона, қурилиш, ташкилот учун қонун бўлиши лозим. Шунга эришиш керакки, новаторлар эришган ютуқлар тез вақт ичида миллионларнинг мулки бўлиб қолсин, ўнинчи беш йиллик планларни амалга ошириш учун бутун халқ олиб бораётган курашни кучайтиришнинг муҳим воситаси бўлсин.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида ўртага қўйилган вазифалар устида батафсил гаплашиб олинди. Ана шу қарорни бажариш учун сиёсий тарбия ишини олға силжитиш, бу ишнинг қўйилишидаги жиддий камчиликларни бартараф этиш пропагандаиинг назарий савиясини, активлиги ва конкретлигини ошириш, унинг ҳаёт билан, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан алоқасини мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ҳозирги вақтда бошланғич партия ташкилотларида ўтаётган ҳисобот-сайлов кампанияси жараёнида экономиканинг, меҳнаткашларни меҳнатсеварлик руҳида, сиёсий ва аҳлоқий тарбиялашни ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

М. А. Суслов ҳайдовчи жангчилар ёдгорлиги пойига гуллар қўйди. Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурматлади.

М. А. Суслов шу куниёқ Москвага жўнаб кетди. Аэропортда уни КПСС Брянск область комитетининг биринчи секретари Е. И. Сизенко, область ижроия комитетининг раиси И. М. Коновалов, Брянск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Войстроченко, шаҳар ижроия комитетининг раиси Е. Я. Евдокимов кузатиб қолдилар.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасида давлатга сабзавот маҳсулотлари, қовун-тарвуз, картошка, мева ҳамда узум сотиш юзасидан ўтказилаётган мусобақанинг 16 сентябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўка район**инда (район партия комитети секретари Т. И. Исломов, район ижроия комитети раиси Р. Қ. Қодиров, район комсомол комитети секретари С. Шароnов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитети раиси А. Шукуров, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи К. С. Содиқов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш ва сифатини белгилаш бўйича давлат инспектори У. Иброҳимов ўртоқлар) қолдирилди. Бу район меҳнаткашлари давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планини 105 процент, картошка сотиш планини 104,6 процент, хўл мева сотиш планини 186,2 процент, қовун-тарвуз сотиш планини 105 процент қилиб бажардилар. Сентябрь ойининг биринчи ярмида йиллик планга нисбатан сабзавот бўйича 38,2 процент, картошка бўйича 20 процент, хўл мева бўйича 6 процент, қовун-тарвуз бўйича 30,6 процент ўсишга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

М. А. СУСЛОВНИНГ БРЯНСКДА БЎЛИШИ

БРЯНСК, 19 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов бугун Брянск шаҳри ва области партия-совет активи билан учрашди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Е. И. Сизенко, учрашувнинг бошқа қатнашчилари область меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини, беш йилликнинг тўртинчи йили ва умуман беш йиллик топшириқларини қандай бажараётганликлари тўғрисида, иқтисодий ва социал ривожланиш планларининг амалга оширилаётганлиги ҳақида гапириб бердилар.

М. А. Суслов саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, самарадорликни ошириш, барча мавжуд резервлардан фойдаланиш масалаларига тўхталиб ўтди. Чорвачиликнинг ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш, чорва туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтилди. Давлат топшириқларини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш, моддий, энергетика ва меҳнат ресурсларини тежаш учун кураш, деб уқтириб ўтди М. А. Суслов, ҳар бир корхона, қурилиш, ташкилот учун қонун бўлиши лозим. Шунга эришиш керакки, новаторлар эришган ютуқлар тез вақт ичида миллионларнинг мулки бўлиб қолсин, ўнинчи беш йиллик планларни амалга ошириш учун бутун халқ олиб бораётган курашни кучайтиришнинг муҳим воситаси бўлсин.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида ўртага қўйилган вазифалар устида батафсил гаплашиб олинди. Ана шу қарорни бажариш учун сиёсий тарбия ишини олға силжитиш, бу ишнинг қўйилишидаги жиддий камчиликларни бартараф этиш пропагандаиинг назарий савиясини, активлиги ва конкретлигини ошириш, унинг ҳаёт билан, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан алоқасини мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ҳозирги вақтда бошланғич партия ташкилотларида ўтаётган ҳисобот-сайлов кампанияси жараёнида экономиканинг, меҳнаткашларни меҳнатсеварлик руҳида, сиёсий ва аҳлоқий тарбиялашни ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

М. А. Суслов ҳайдовчи жангчилар ёдгорлиги пойига гуллар қўйди. Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурматлади.

М. А. Суслов шу куниёқ Москвага жўнаб кетди. Аэропортда уни КПСС Брянск область комитетининг биринчи секретари Е. И. Сизенко, область ижроия комитетининг раиси И. М. Коновалов, Брянск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Войстроченко, шаҳар ижроия комитетининг раиси Е. Я. Евдокимов кузатиб қолдилар.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

(Боши 1-бетда).

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Пискент районидаги Вахрушчев номли ихтисослаштирилган узумчилик совхоз-заводига** (директори А. А. Абдухалилов, партия комитети секретари Л. И. Романькова, ишчилар комитети раиси М. Т. Маметов, бош агроном Э. А. Зайтуллаев ўртоқлар) берилди. Бу совхоз ишчилари давлатга узум топшириш йиллик планини 57,2 процент бажардилар ва сентябрь ойининг биринчи ярмида йиллик пландагига нисбатан 55 процент ўсишга эришдилар.

Байроқ Янгийўл районидаги У. Юсупов номли саноат-аграр бирлашмасидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўстонлик районидаги Жданов номли колхозда** (раиси А. Абдухолиқов, партия комитети секретари И. Абдуллаев, касаба союз комитети раиси Т. Тожибоев, комсомол комитети секретари А. Айтуганов, бош агроном П. Қурбонов ўртоқлар) қолдирилди. Бу колхоз меҳнаткашлари давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планини 116,8 процент, картошка сотиш планини 76,7 процент, ҳўл мева сотиш планини 129,6 процент, узум сотиш планини 60 процент қилиб бажардилар. Сентябрь ойининг биринчи ярмида йиллик планга нисбатан сабзавот етиштиришда 48,4 процент, картошка етиштиришда 3,4 процент, ҳўл мева етиштиришда 27,5 процент, узум етиштиришда 56 процент ўсишга эришилди.

Область план бўлимига илғор сабзавоткорларга сотиш учун Бўка районига, Пискент районидаги ихтисослаштирилган узумчилик совхоз заводига, Бўстонлик районидаги Жданов номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети дағал хашак жамғариш бўйича районлар, совхоз ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1979 йил 16 сентябргача бўлган якунини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўстонлик районидаги Жданов номли колхозда** (раиси А. Абдухолиқов, партия комитети секретари И. Абдуллаев, касаба союз комитети раиси Т. Тожибоев, комсомол комитети секретари А. Айтуганов, бош агроном П. Қурбонов ўртоқлар) қолдирилди. Бу колхоз меҳнаткашлари давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планини 116,8 процент, картошка сотиш планини 76,7 процент, ҳўл мева сотиш планини 129,6 процент, узум сотиш планини 60 процент қилиб бажардилар. Сентябрь ойининг биринчи ярмида йиллик планга нисбатан сабзавот етиштиришда 48,4 процент, картошка етиштиришда 3,4 процент, ҳўл мева етиштиришда 27,5 процент, узум етиштиришда 56 процент ўсишга эришилди.

Область план бўлимига илғор сабзавоткорларга сотиш учун Бўка районига, Пискент районидаги ихтисослаштирилган узумчилик совхоз заводига, Бўстонлик районидаги Жданов номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети дағал хашак жамғариш бўйича районлар, совхоз ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1979 йил 16 сентябргача бўлган якунини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўка районига** (район партия комитетининг секретари Т. И. Исломов, район ижроия комитетининг раиси Р. Қ. Қодиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг боғлиғи К. Содиқов, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси А. Шукуров ўртоқлар) берилди. Районда дағал хашак жамғариш йиллик топшириғи 95,2 процент, беда пичани 101,6 процент, табиий ўтлар пичани 108,8 процент, ўт уни тайёрлаш 83,1 процент, силос бостириш 93 процент бажарилди. ва сентябрь ойининг биринчи ярмида дағал хашак жамғаришда йиллик топшириққа нисбатан 23 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Коммунистик районидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Чиноз районидаги Жамбул номли совхоз**га (директори Р. Саъдуллаев, партия ташкилотининг секретари А. Саксонбоев, ишчилар комитетининг раиси Д. Алтеев ўртоқлар) берилди. Совхозда дағал хашак жамғариш йиллик топшириғи 83,1 процент, беда пичани жамғариш 131,1 процент, ўт уни тайёрлаш 143 процент қилиб бажарилди ва сентябрь ойининг биринчи ярмида дағал хашак жамғаришда йиллик топшириққа нисбатан 8,1 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозига** (раиси З. Исоқов, партия ташкилотининг секретари М. Иброҳимов, касаба союз комитетининг раиси И. Тангмуродов ўртоқлар) берилди. Колхозда дағал хашак жамғариш йиллик топшириғи 97 процент, шу жумладан сеназ 100 процент, беда пичани 102 процент, табиий ўтлар пичани 102 процент, ўт уни тайёрлаш 95 процент бажарилди ва сентябрь ойининг биринчи ярмида дағал хашак жамғаришда йиллик топшириққа нисбатан 25,6 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа ғолибларига сотиш учун Бўка районига, Чиноз районидаги Жамбул номли совхозга, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

Суратда: Маҳфуза Қодирова. Тошкент тўқимачилик комбинати ип фабрикасининг пешқадам ишчиси бўлган бу қиз айни кунларда 1980 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига меҳнат қилаяпти. Маҳфуза ишлаб чиқаришда илғор бўлиш билан бирга Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кечки бўлимининг студенти ҳамдир.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

НУҚСОНСИЗ ИШЛАШ ЙЎЛИДА

САМАРАДОРЛИК ва сифат беш йиллиги коллективлар олдига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бирга маҳсулот сифатини яхшилаш вазифасини қўйган. Маҳсулот сифатини ошириш эса ҳар бир участкада, технология жараёнининг ҳар бир бўғинида барча турдаги меҳнатни нуқсонсиз ташкил этишни тақозо этади. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг маъмурияти, ижодий коллективи маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этишда худди мана шу «барча бўғинлар»га эътибор бермоқда.

Жумладан, механизация бўлимида нуқсонсиз меҳнат системаси 1977 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бўлимда меҳнат сифати кўрсаткичлари бурчаги ташкил этилган. Унда бўлинмаларнинг меҳнатига баҳо, ҳар бир ишловчининг меҳнатига баҳо кўрсаткичлари ва бошқа жадваллар қўйилган. Ҳар куни бюро раҳбарлари барча хизматчиларнинг ишини баҳолайди. Хатога йўл қўйган ёки шахсий иш планини бажармаган ходимларга энг паст баҳо қўйилади ва бу баҳолар мукофотларни тақсимлашда эътиборга олинади.

Натижаларнинг кўрсатишича, нуқсонсиз меҳнат системасини бошқа барча бўлим ва цехларда ҳам жорий этиш салмоқли самарага эришишдан далолат бермоқда.

МЎЛ-КЎЛ ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРАЙЛИК

18 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

	Дағал хашак — минг тонна			Силос бостириш — минг тонна			Ўт уни тайёрлаш —тонна		
	топшириқ	жамғарилган	бажарилиш проценти	топшириқ	бостирилган	бажарилиш проценти	топшириқ	тайёрланган	бажарилиш проценти
Оққўрғон	53,9	43,6	80,4	50,0	26,0	52,0	1500	1242	82,3
Оҳангарон	101,7	81,5	80,1	70,0	29,6	42,4	4000	1002	25,1
Бекобод	72,4	48,3	66,6	43,0	36,2	84,2	2000	1636	83,5
Бўстонлик	62,0	48,4	78,1	35,0	13,0	37,3	2000	1143	57,2
Бўка	55,5	52,8	95,2	50,0	41,8	86,7	2000	1868	93,4
Ғалаба	78,8	59,6	75,6	75,0	71,1	94,7	3000	2754	91,6
Калинин	50,4	49,8	98,9	45,0	19,3	42,9	2000	1948	97,4
Коммунистик	95,8	72,6	75,3	70,0	49,0	70,0	2500	1080	43,2
Орджоникидзе	44,0	36,1	82,0	40,0	25,2	69,0	2500	2030	81,2
Пискент	47,1	34,0	72,0	40,0	24,6	61,7	1500	1236	82,8
Урта Чирчиқ	67,6	42,4	62,7	43,0	26,9	62,6	2000	1662	80,1
Тошкент	41,8	34,3	82,1	43,0	24,4	56,8	1000	825	82,6
Чиноз	75,1	56,7	75,4	60,0	31,7	51,1	2500	1641	65,6
Янгийўл	53,9	36,7	68,1	45,0	26,0	50,8	1500	488	65,0
Область бўйича:	900,0	696,7	77,4	700,0	445,0	63,6	30000	21084	70,3

МАЪЛУМОТДАН кўриниб турибдики, Калинин районида озуқа экинларини ўриб-йиғиб олиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Кейинги ҳафтада 13,1 процент ўсишга эришилди. Бу кўрсаткич Коммунистик районида 8,3 процентни, Тошкент районида 5,8 процентни ташкил этди.

Кўпгина районларда беда ўрими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Ғалаба, Ўрта Чирчиқ, Чиноз ва Янгийўл районлари хўжаликлари бешинчи ўримга киришдилар. Бўстонлик, Пискент ва Коммунистик районларида эса ҳамон беда ўримида суст ҳаракатга йўл қўйилмоқда. Бу районларнинг хўжаликларида тўртинчи ўрим эндигина 7—19 процент қилиб бажарилди, холос.

Ғалаба, Бекобод, Бўка районларида силос бостириш бугун эрта тугалланади. Оҳангарон, Калинин, Чиноз районларида эса, аксинча сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Маълумки, витаминли ўт уни озуқа рационида муҳим ўринни эгаллайди. Буни тўғри тушунган Калинин, Ғалаба, Бўка районлари хўжаликлари ўт уни тайёрлаш жиддий эътибор берилмоқда. Ўтган ҳафтада район хўжаликларида бу борада ҳеч қандай иш бажарилмади. Коммунистик районида ҳам йиллик топшириққа нисбатан 0,4 процент ўсиш таъминланди, холос.

КАПРОЛАКТАМ: МОНТАЖЧИЛАР, СУСТКАШЛИК ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

КОМПЛЕКС ям-яшил довдарахтлар билан қопланган осмонўпар тоғ яқинида ажиб кўринади. Унинг миноралари мовий осмон гумбазига бориб тақалгудек бўй чўзган. Сон-саноқсиз, ҳар томонга тарқаб кетган ингичка-йўғон қувурлар, турли агрегатлар, миноралар қуёшнинг заррин нурларида кўзни қамаштиргудек товланади. Табиатнинг мафтункор манзарасига монанд равишда комплекснинг объектлари ҳам гўзал қиёфа касб этган.

Ваҳоланки, унинг ўрни бундан бирнеча йил илгари бўм-бўш сайхонликдан иборат эди. Қисқа муддат ичида замонавий, йирик корхонанинг асосий объектлари қад кўтариб, бу ерлар қиёфасини тубдан ўзгартирди. Шуларнинг ҳаммаси кўли гул, қадами қутлуғ, мақсади улуғ, нияти олижаноб бунёдкорлар, уларнинг меҳнати туфайлидир. Толмас билакли бинокорлар ва монтажчилар қандайдир икки йил ичида бутун бир комплексни даряли барпо этиб қўйишди. Бу корхона маҳсулотини мамлакатимизнинг ўнлаб завод-фабрикаларида сабрсизлик билан кутишяпти. Унинг маҳсулотлари шина, пластмасса, минерал ўғит ва бошқа саноат тармоқлари учун жуда ҳам зарурдир.

Комплекс қурилишида зарбдор яратувчилик меҳнати ҳамон кенг кўламда давом этмоқда. Уз сафига минглаб бинокорлар ва монтажчиларни бирлаштирган коллектив унинг биринчи навбатини зиммага олинган муддатда фойдаланишга топшириш учун фидокорона ишламоқда. Бу мерра эса кун сайин якинлашиб келяпти. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллиги кунида дастлабки маҳсулот — аммоний сульфати ишлаб чиқарилиши керак. Бунгача эса икки ойдан ҳам камроқ вақт қолди. Ҳали катта ҳажмдаги қурилиш, асосан монтаж ишларини амалга ошириш зарур. Бу комплексни барпо этишда қатнашаётган барча коллективлар, ҳар бир бунёдкорнинг янада унумли, янада тез ва сифатли ишлашини тақозо этади.

Унинчи беш йиллик тўртинчи йилининг ўтган саккиз ойидаги бунёдкорлик ишлари натижасини кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Капитал маблағ ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш планлари ой сайин бажарилмай қолаяпти. Кўпчилик коллективлар зиммаларидаги вазифаларни бажаришни уддасидан чиқаолмаяпти. Оқибатда саккиз ойга мўлжалланган топшириқни бажаришдан анча орқада қолишди.

Бу йил капролактам ишлаб чиқаришида 32 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши планлаштирилган. Ўтта Иттифоқ министрлиги — Химия саноати, Қурилиш, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрликларининг топшириғи бўйича 8 ой ичида 25 миллион 235 минг сўмлик иш бажарилиши керак эди. Амалда бу топшириқ адо этилмади. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида амалга оширилган жами қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 19 миллион 289 минг сўмликни ташкил этди. Ишга туширилади ган комплекс бўйича бажарилган иш ҳажми 17 миллион сўмлик бўлди.

Бинокорлар ва монтажчилар сўнгги ойларда ойлик қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ками билан 5—5,5 миллион сўмликка етказишлари лозимлиги бирнеча бор таъкидланди. Шундагина комплекс биринчи навбатини белгиланган муддатларда ишга тушириш мумкин эди. Лекин, бу мақсадга ҳали ҳам эришилгани йўқ. Оқибатда ишга тушириладиган комплексни вақтида фойдаланишга топшириш ҳавф остида қолиши турган гап. Бунинг учун сўнгги август ойини мисолга келтириш мумкин. Топшириққа мувофиқ 5 миллион 300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши керак эди. Лекин, бунинг уддасидан чиқилмади. Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар, меҳнат интизомининг талаб даражасида бўлмаслиги, масъулиятни чуқур ҳис қилмаслик натижасида бу кўрсаткичга эришилмади. Ҳаммаси бўлиб 3,5 миллион сўмлик, ишга тушириладиган комплекс бўйича 3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, холос.

Демак, ишга тушадиган комплекс қуриб битказилиши учун 10 миллион сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши керак. Бунга икки ой вақт қолди. Шундай экан, қурилишда кескин бурилиш ясаш, бунёдкорлик ишлари суръатини кам деганда икки баробар тезлаштириш талаб этилади. Бунинг учун қўшимча ишчи кучи жалб қилиш, мавжуд бинокорлик машина-механизмларидан тўлароқ фойдаланиш, ишни икки-уч сменада ташкил этиш лозим.

Қурилишда иштирок этаётган қатор ташкилотлар коллективлари шундай қилишяпти. Айниқса, «Электромонтаж» бошқармаси ишчилари сўнгги ойларда юксак меҳнат натижаларига эришмоқда. Улар учун иш фронти ҳамон етарли бўлмаслигига қарамай давлат топшириқларини анча ортиғи билан адо этишяпти. Шунинг учун ҳам суруниққа икки ойдан бери социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, кўчма Қизил байроқни ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Беш пудратчи 160-қурилиш трести коллективи ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифани тўла ва знёдаси билан адо этяпти. Трест раҳбарлиги бу муҳим объект қурилишига қўшимча ойлари давомида амалга оширилган жами қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 19 миллион 289 минг сўмликни ташкил этди. Ишга туширилади ган комплекс бўйича бажарилган иш ҳажми 17 миллион сўмлик бўлди.

Бинокорлар ва монтажчилар сўнгги ойларда ойлик қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ками билан 5—5,5 миллион сўмликка етказишлари лозимлиги бирнеча бор таъкидланди. Шундагина комплекс биринчи навбатини белгиланган муддатларда ишга тушириш мумкин эди. Лекин, бу мақсадга ҳали ҳам эришилгани йўқ. Оқибатда ишга тушириладиган комплексни вақтида фойдаланишга топшириш ҳавф остида қолиши турган гап. Бунинг учун сўнгги август ойини мисолга келтириш мумкин. Топшириққа мувофиқ 5 миллион 300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши керак эди. Лекин, бунинг уддасидан чиқилмади. Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар, меҳнат интизомининг талаб даражасида бўлмаслиги, масъулиятни чуқур ҳис қилмаслик натижасида бу кўрсаткичга эришилмади. Ҳаммаси бўлиб 3,5 миллион сўмлик, ишга тушириладиган комплекс бўйича 3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, холос.

Демак, ишга тушадиган комплекс қуриб битказилиши учун 10 миллион сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши керак. Бунга икки ой вақт қолди. Шундай экан, қурилишда кескин бурилиш ясаш, бунёдкорлик ишлари суръатини кам деганда икки баробар тезлаштириш талаб этилади. Бунинг учун қўшимча ишчи кучи жалб қилиш, мавжуд бинокорлик машина-механизмларидан тўлароқ фойдаланиш, ишни икки-уч сменада ташкил этиш лозим.

Қурилишда иштирок этаётган қатор ташкилотлар коллективлари шундай қилишяпти. Айниқса, «Электромонтаж» бошқармаси ишчилари сўнгги ойларда юксак меҳнат натижаларига эришмоқда. Улар учун иш фронти ҳамон етарли бўлмаслигига қарамай давлат топшириқларини анча ортиғи билан адо этишяпти. Шунинг учун ҳам суруниққа икки ойдан бери социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, кўчма Қизил байроқни ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Беш пудратчи 160-қурилиш трести коллективи ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифани тўла ва знёдаси билан адо этяпти. Трест раҳбарлиги бу муҳим объект қурилишига ҳисса қўшиш иштиёқида бу ерга келишган. Узларининг дам олиш кунларини шу объект бунёдкорлари сафида ўтказишяпти. Узбекистон химия машинасозлиги заводининг Владимир Ғалебурдо раҳбарлигидаги комсомол-ёшлар бригадаси капролактам қурилишида икки кундан ишлаб бериш юзасидан бошлаган ва шаҳар партия комитети маъқуллаган ташаббус изидошлари табора кўпайиб бормоқда. Ҳозиргача мингдан ортиқ чирчиқлик ишчилар қурилишда бўлиб, асбоб-ускуналар монтажида қатнашишди.

— Бинокорларимиз,— дейди 160-қурилиш трести бошқарувчиси Азиз Керимович Керимов,— монтажчиларга 6 миллион 800 минг сўмлик иш фронти топширди. Лекин, улар бу имкониятдан фойдаланишмаяпти. Шу сабабли ҳам фақатгина 2 миллион 700 минг сўмлик механика-монтаж ишлари бажарилди. Бу жуда кам. Оқибатда автоматика, электротехника, химиявий муҳофаза ва бошқа шу каби охирги циклга кирувчи монтаж ишларини тугаллаш мумкин бўлмай қолади.

Трест бошқарувчисининг ташвиши ўринли, албатта. Ҳақиқатан ҳам монтажда, айниқса механика воситаларини ўрнатишда кескин бурилиш ясалмаса ишлаб чиқариш комплексини вақтида ишга тушириш анча кечикиб кетиши турган гап. Узбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ҳамда унинг 93-ихтисослашган трести раҳбарлари вужудга келтирган аҳволни билатуриб, уни тузатиш ҳақида зарур чоралар кўришмаяпти. Йил бошидан бери монтажчилар сонини кўпайтириш ҳақида қурқ ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти.

Ҳозирги вақтда капролактам қурилишида 1391 механик монтажчи ишлаяпти. Бу етарли эмас. Монтаж ишлари ҳажми уларнинг сонини жуда бўлмаганда уч баробар кўпайтиришни тақозо этади. Кеми билан яна 3 минг монтажчини жалб қилиш керак. Улар орасида 150—200 юқори малакали пайвандчи бўлиши лозим. Чунки, ҳаммаси бўлиб 12 минг линия йиғилиши зарур. Қурилишдаги пайвандчилар билан шундай катта ҳажмдаги ишни муддатида амалга оширишнинг ҳеч иложи йўқ.

Биргина капролактам тозалаш иншоати қурилишидаги монтаж ишларида 600 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилиши керак. Шунча катта ҳажмдаги ишни саноқли кунлар, узоғи билан бир ой ичида тугатиш лозим. Бу объектда ишлаётган 100 нафар монтажчи унинг уддасидан чиқолмайди, албатта. Жуда бўлмаганда уларнинг сонини 500 кишига етказиш керак. Бошқа шундай объектлар ҳам борки, улар яна юзларча минг сўмлик асбоб-ускуналари ўрнатилишини кутиб ётибди.

Бу ишлар учун қўшимча монтажчилар керак. Бу соҳада Иттифоқ Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ҳам ёрдам қўлини чўзмоқчи эди. Министрлик Уралдан монтажчилар юборди, лекин улар жуда кам. Зиммасидаги вазифани бажара олишмайди. Шунинг учун уларнинг сони кўпайтирилса айни муддао бўларди.

Капролактам биринчи комплексининг вақтида ишга тушиш-тушмаслиги фақат монтажчиларга боғлиқ бўлиб қолди. Шундай экан, республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, унинг 93-ихтисослашган трести раҳбарлари ишдаги сусткашликни зудлик билан бартараф этишлари керак. Ваъдадан амалий ишга ўтиб, объектдаги монтажчилар сонини талаб қилинаётган даражага етказинг, сизларнинг айбингиз билан қурилиш чўзилиб кетиб, белгиланган муддатда ишга тушмаса давлатга қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарар келишини эсдан чиқарманг. Бунга асло йўл қўйиб бўлмаслигини унутиб, бебурд бўлиб қолманг.

Бунинг устига монтажчилар фақат бир сменада ишлашяпти. Уларнинг ишини бемалол икки, ҳатто уч сменада ташкил этиш мумкин. Лекин, шундай қилинмаяпти. Натижада мавжуд қурилиш машина-механизмларидан жуда суст фойдаланилмоқда. Масалан, қурилишда кўтарма кранларга эҳтиёж қондирилмаётгани ҳолда мавжудларидан ҳам жуда ёмон фойдаланиляпти. Улар кўпинча бекор туриб қолади. Биргина 6 август куни иккинчи сменада 7 та катта-кичик кран ишлатилмади. Бундай воқеалар деярли ҳар куни содир бўлмоқда.

Қурилишга республикамиз, ҳатто мамлакатимиз шаҳарларидан ишчи кучи ҳам жалб қилинмоқда. Фақатгина областимиз шаҳар ва районларидан 500 бинокор ва монтажчи қурилишда қатнашиши назарда тутилган. Лекин, улар иш билан таъмин этилган, унумли меҳнат қилишлари учун қулай шароитлар лозим даражада яратиб берилган деб бўлмайди. Кўпинча вактларини бекор ўтказишмоқда. Чунки, уларга бинокорлик материаллари, машина-механизмлар етарли ажратилмаяпти. Бу масалада қатъий тартиб ўрнатиш зарур. Маҳаллий партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бунга эътиборни кучайтиришлари лозим.

Капролактам ишлаб чиқариши биринчи навбати қурилаяпти ҳам циклга ички комплексга бўлинган. Область қурилиш штабининг ҳақида бўлиб ўтган йиғилишида деярли барча кичик комплексларда монтаж, айримларида қурилиш ишлари оксаётганлиги, пойқовчиларнинг айби билан лойиҳа-смета ҳужжатларида йўл қўйилган нуқсонлар, ҳам ишни жадаллаштиришга, уларни тузатиш учун қўшимча меҳнат ва маблағ сарфланаётганлиги қайд қилинди. Реагентлар омбори, мазут хўжалиги ва барча тозалаш иншоотлари объектларида қурилиш ишларини яқин кунлар ичида тугатиш даркор.

Гигант комплексда ишга тушириш-созлаш ишларини ҳозирдан бошлаш белгиланган. Бунинг учун аввало колоқликни тугатиш, барча энергетика, химия асбоб-ускуналарининг ўрнатилишини таъминлаш, уларни электр энергияси термокарпларга улашнинг уддасидан чиқиш лозим. Бунга эришиш капролактам ишлаб чиқариши қурилишида иштирок этаётган ҳамма қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективларининг шарафли ва муқаддас бурчидир. Шундагина комплекснинг биринчи навбатини мажбуриятдаги муддатда — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш ва дастлабки тонна маҳсулотни олиш имкони туғилади. Бу бунёдкорларнинг кишилик тарихида янги социалистик йўлларни бошланишига асос солган улуғ ғоймга муносиб тортиги бўлади.

М. МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЗАРБДОР ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИДА

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

БИТНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 сентябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бу ерда БМТ Бош Ассамблеясининг XXXIV сессияси очилди, сессия ишида 150 дан ортиқ давлатнинг вакиллари қатнашмоқда. Совет делегациясига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бошчилик қилмоқда.

Сессиянинг кун тартибида 120 тадан ортиқ масала бор. Қуроллашиш пойгасини жиловлашга ва қуролсизланишга, кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларнинг муҳокамасига айниқса катта ўрин ажратилмоқда. Халқаро анжуман делегатлари ядро уруши хавфини тугатишга доир бир қанча муҳим конкрет таклифларни кўриб чиқадилар. Сиёсий соҳадаги кескинликни юмшатиш билан бирга ҳарбий соҳадаги кескинликни ҳам юмшатишга, реал қуролсизланишга ўтишга қаратилган йўлни изчиллик билан муттасил ўтказиб келаётган Совет Иттифоқи бу таклифларни биринчи бўлиб ўртага қўйган эди. Совет ташаббуслари БМТда, ер куррасининг тинчликсевар жамоатчилиги ўртасида кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда.

«Социалистик мамлакатлар қуролсизланиш ишини олға силжитиш учун кўп меҳнат сарфладилар, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев. — Нақадар катта қийинчиликлар бўлмасин, биз тинчлик ва яхши қўшничилик сиёсатининг барча тарафдорлари билан биргаликда олға бораверамиз, бу ўткир проблемани ишончли равишда тўла-тўкис ҳал этиш йўлларини қидираверамиз».

Қуролсизланиш соҳасидаги амалий совет ташаббусларининг кенг комплекси аввало ядро қуролининг ҳамма турларини ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва унинг запасларини аста-секин камайтириб, барбора батамом тугатиш сингари туб проблемаларни ўз ичига олади. Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини тўхтата оладиган ва халқаро иқлимни яхшилайдиган айрим тадбирларнинг амалга оширилиши учун ҳам ҳаракат қилмоқда. Бош ассамблея Совет Иттифоқининг ядро қуроли синовларини тақиқлаш, уни тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш, қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясини чақириш билан боғлиқ бўлган ташаббуслари қандай рўёбга чиқаришлаётганини ўрганади.

Ҳарбий тартибининг қуролланиш пойгасини жиловлашда туб силжишга эришиш мақсадини кўзловчи моддалари шу йил Вёнада бўлиб ўтган ҳамда стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги янги шартноманинг имзоланиши билан якунланган олий даражадаги Совет—Америка учрашуви сингари катта халқаро аҳамиятга молик муҳим воқеалардан кейин муҳокама қилинади. Айни вақтда келгуси авлодларни уруш кулфатларидан халос қилиш учун тузилган халқаро ташкилот—БМТ Бош Ассамблеясининг делегатлари урушқоқ империалист доираларнинг кескинликни юмшатишга путур етказиш, бошқа мамлакат ва халқларга тазйиқ ўтказиш, уларга ўз иродасини бажаришни буюриш йўлида қилаётган уринишлари сингари таҳликали ҳодисаларга бепарво қарай олмайдилар.

Яқин Шарқ муаммоси ассамблея муҳокамасига қўйилган энг ўткир масалалар жумласига киради. Империализм ва сионизм кучларининг Яқин Шарқ танглигини араб халқларидан пинҳон тутиб ва уларнинг миллий манфаатларига зиён етказадиган тарзда ҳал қилишга эришиш йўлидаги уринишлари бекуда эканини замон тасдиқлагани БМТ доираларида қайд этилмоқда. БМТ шу нуқтаи назарга қатъий амал қилмоқдаки, фаластинлик араб халқининг дахлсиз ҳуқуқларини амалга ошириш зарурлигини ҳисобга олиб муаммони ёппасига бартараф этишгина Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик йўлини очиши мумкин.

Сессия дунёнинг бошқа регионларида ҳам, аввало Африка қитъасининг жанубида кескинлик манбаларини тугатиш масалаларига ҳам катта эътибор беради, БМТнинг мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида ССРнинг ташаббуси билан қабул қилинган тарихий декларацияси руҳида мустамлакачилик системасини узил-кесил тугатиш масалаларини кўриб чиқади.

Сессиянинг биринчи ялпи мажлисида Африканинг машҳур сиёсий арбоби, БМТнинг мустамлакачиликни тугатиш комитети раиси Салим А. Салим (Танзания) БМТ Бош ассамблеясининг янги раиси қилиб сайланди. У ўзининг ассамблея делегатларига табрик мурожаатида аввало қуролсизланиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва инсониятнинг тинч келажагини таъминлаш соҳасида БМТнинг ҳозирги сессияси олдида турган энг муҳим вазифаларга тўхталди. Салим А. Салим жаҳон ҳамжамиятини шармандали мустамлакачилик ва ирқчилик системасини тугатиш, халқларни империалистик ҳукмронлик ишканжаларидан батамом халос қилиш йўлида янги куч-ғайратлар сарфлашга чақирди.

152 давлат — Сент-Люсия БМТ аъзолигига қабул этилди. Кариб денгизи ҳавзасидаги бу давлат илгари Британиянинг мустамлакаси бўлиб, яқинда мустақилликка эришган эди.

Г. ШИШКИН, В. ВАСИЛЕЦ, В. МАТЯШ.

Суратда: Қоҳирада яшовчи мана бу болалар очликдан ўлмаслик учун оғир қувурларни ташишга мажбурлармлар. Бу сурат ғарбий Германияда чиқадиган «Штерн» журналидан олинган.

ТАСС фотохроникаси.

АҲВОЛ НОТИНЧ

ТЕҲРОН, 19 сентябрь. (ТАСС). Курдистон вилоятининг губернатори Муҳаммад Ризо Шакиба «Кейҳан» газетасига берган интервьюсида айтдики, вилоятдаги аҳвол бетинч бўлиб турибди ва уни яхшиловчи бирдан-бир йўл музокаралар олиб боришдир. Мен ҳукумат аҳволни тинч воситалар билан нормаллаштириш йўлини излаши лозим деб ҳисоблайман, деди у. Ҳукумат Курдистонга қўшинлар, «Фантомлар» ва танклар юбормасдан исёнчилар билан музокаралар олиб бормоғи лозим.

64-пиёдалар дивизиясининг қўмондонлиги курд исёнчиларига мурожаат этиб, қуролни ташлашга даъват этди. «Бамдод» газетасининг ёзишича, бу чақириқда қуролини топширган исёнчилар афв этилиши таъкидланади.

Айни маҳалда оятилло Хумайнининг курдлар яшайдиган районларга бориб келган махсус вакили Ҳусайн Кермоний «Техран таймс» газетасининг мухбири билан қилган суҳбатда, ҳукуматни «қатъий ҳаракат қилиб, исёнчиларни қуроқликда ҳам, ҳавода ҳам қириб ташлашга» даъват этди. У исёнчилар билан қандай бўлмасин музокаралар олиб бориш мумкинлигини рад этди.

1979 ЙИЛ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ, ИСТИҚБОЛИМИЗ

ВАТАНИМИЗНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

М. ШОУМАРОВ,

маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари область касаба союзлари комитетининг раиси.

ҲУР Советлар диёрини ҳақли равишда бахтиёр болалик ватани деб атаймиз. Бу рамзий ибора замирида чуқур маъно ётибди. «Энг яхши нарсалар — болаларга!» деган шиорнинг турмуш ҳақиқати билан уйғунлиги ҳеч кимга сир эмас. Дарҳақиқат, бизнинг мамлакатимизда болаларга нисбатан ленинча ғамхўрлик ана шу тарзда умумдавлат, умумхалқ иши даражасига кўтарилди.

Жонажон партия ва Совет ҳукумати азиз фарзандларимизнинг қувноқ ҳаёт кечиришлари учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб берганлар. Барча яхши нарсалар — мактаблар, пионер саройлари, боғча ва яслилар — ҳамма-ҳаммаси истиқбол эгалари ихтиёрида.

Мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари тармоғи йил сайин кенгайиб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда мавсумий болалар ясли-боғчаларини қуриш ҳамма ерда оммавий тус олди. Колхоз боғчалари жиҳозланиши, труппаларни безаш жиҳатидан шаҳар болалар муассасаларидан сира қолишмайди.

Колхозлараро марказлаштирилган бошқармаларнинг кўплаб ташкил этилаётгани қувончли бир ҳолдир. Шу билан бирга уларнинг структураси такомиллаштирилаётир. Бу эса мутахассис кадрларга бўлган талабни янада оширади.

Худди шу мақсадда боғча мудирлари, методистлар ва тарбиячилар малакасини ошириш юзасидан қатор тадбирлар кўрилди. Маҳорат ва билимни бойитиш юзасидан қишлоқ боғчалари бўйича перспектив план ишлаб чиқилди.

Болалар муассасаларида ишлаб турган ошпазлар учун ҳам махсус малака ошириш курслари ташкил этилди. Тошкентдаги кулинария ҳунар-техника билим юрти базасида эса яқинда республика курси очилди. Бу тажриба мактаби дастлабки тингловчилардан 150 кишига гувоҳнома берди. Кейинги уч йил ичида бу ерда яна 400 ошпаз ўз билимини бойитади.

Ҳалқаро болалар йили муносабати билан Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳамда шу соҳалар касаба союзлари ташкилотлари томонидан қўшимча қарор қабул қилинди. Бу ҳужжатда боғчаларда болалар саломатлигини ҳар томонлама таъминлаш тадбирлари белгиланди.

Она-Ватанимиз китобхон мамлакатдир. Ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялашда, улар билимига-билим қўшишда китобнинг тутган ўрни тобора ортиб бораётир. Ҳозир областимиз касаба союзлари китоб фондида 10 минг нусхага яқин адабиётлар мавжуд. Деярли ҳар бир район ўзининг марказий болалар кутубхонасига эга.

Эндиликда мактаб ўқувчилари дарсликлардан бепул фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга бу хил адабиётларнинг ғоявий-назарий даражаси, безаги анча яхшиланди. Янги ўқув йили учун фақат «Ўқитувчи» нашриётн 13 миллион нусхада дарсликларни чоп этди. 1—3-синф ўқувчиларига бепул бериладиган дарсликлар фонди ортди.

1979 йил — халқаро болалар йилида кичкинтойларнинг дам олишлари учун ҳам катта шарт-шароитлар яратилди. Бу йилги пионер ёзи ҳар томонлама мазмунли ва қувноқ ўтди. Республикамизда 380 дан ортиқ пионер лагери ишлади. Шунга яраша дам олувчилар сони ҳам ортди. Бунинг учун 13 миллион сумлик маблағ сарфланди.

Шунингдек, ёзги дам олишнинг энг оммавий турлари — тарихий шаҳарларга, Ленин яшаган ва фаолият кўрсатган жойларга туристик саёҳатлар, экскурсиялар ташкил этишга кўпроқ ўрин берилди.

Ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ўтказиш учун ҳам катта маблағлар ажратилди. Меҳнат ва роҳат пионер лагерларига юзлаб болалар жалб этилди.

Халқаро болалар йилида ёш техника ижодкорларининг истеъдодлари янада кенг кулоч ёймоқда. «Болаларнинг техник ижоди» республика кўргазмаси экспонатлари буни яна бир бор исботлади. Областимиз ёш техниклар станцияси аъзолари кўрикка хилма-хил ишлари билан қатнашдилар.

Мазкур кўргазма болаларнинг техникага бўлган қизиқиши катта эканлигини кўрсатди, уларнинг тафаккур уфқи ва ихтирочилигини, техника тараққиётига ҳисса қўшиш учун бўлган интилишларини намоён қилди.

Фарзандларимиз камолати йўлида амалга оширилиши лозим бўлган яна кўпгина ишлар олдимизда турибди. Боғча ва яслилар тармоғини кенгайтириш билан боғлиқ тадбирларга катта аҳамият берилади. Чунончи, 1981 йилда боғчалар кўригини ўтказиш кўзда тутилди. Кўрик давомида уларнинг тоза ва гўзал, эстетик жиҳатдан юксак дид билан жиҳозланиши кузатилади ҳамда илғорлар иш тажрибалари оммалаштирилади.

Янги ўқув йили арафасида эса Н. Островский номли шаҳар пионер ва ўқувчилар саройи янги бинога кўчиб ўтди. Ҳамза райони пионерлар уйи, Э. болалар-ўсмирлар спорт мактаби ҳам бундай қулай имкониятга эга бўлди.

Ёш авлодда ижтимоий, маънавий фазилатларни шакллантиришда, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда педагогик коллективларга яқиндан ёрдам бераётган болалар муассасалари фаолияти бундан буён ҳам кенгайтирилади. Ёш техниклар, ёш табиатшунослар станцияларининг моддий базаси мустаҳкамланади.

Биз халқ маорифи соҳасида қилинаётган айрим ишлар ҳақида тўхталдик, холос. Аслида халқ хўжалигининг барча соҳаларида қувноқ болаликни таъминлашга қаратилган талай ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро болалар йилини ўтказиш республика комиссиясининг навбатдаги мажлисида ана шулар ҳақида батафсил гапирилди. Ингишида озиқ-овқат, енгил саноат ва савдо министрликларининг болалар учун тайёрланаётган, чиқарилаётган маҳсулотлар миқдорини ошириш, сифатини яхшилаш борасидаги ишлари ҳақидаги ахборотлари ҳам тингланди, уларнинг олдига янги вазифалар қўйилди.

Болалик йиллари инсоннинг шаклланишида муҳим даврдир. Уларни коммунизмнинг фаол курашчилари қилиб волга етказиш бизнинг жонажон вазифамиздир.

Келажагимиз, истиқболимиз бўлган болалар тарих яратадилар. Ватанимизнинг бойлиги бўлган фарзандларимиз ҳамиша эл-юрт ардоғидадир.

ИНСОН умри жуда бебаҳодир. Бу сермазмун йиллар киши ҳаётининг сўнмас баҳори — болаликдан бошланади. Шу боис, фарзанд туғилди дегунча оилага қувонч таралиб, шоду-хуррамлик авж олади. Саодатли юрт уни қутлайди.

Ёш гўдак тетапоя қадамлар ташлаб юра бошлаганидаёқ унга ҳаёт сабоғи берилади. У эзгу-ниятлар сари олға интилади. Ўқийди, изланади, мустақил ҳаётга қадам қўяди. Ўзининг фидокорона ҳалол меҳнати билан жамиятга фойда келтиради. Шу тариқа у эл-юртга танилади.

Дарвоқе, болани севмаган киши бормикан ўзи. «Ўзимиз бир илож қилиб тирикчилик қилсак шукур дер эдик, болаларнинг бўлмагани яхшироқ» дейдиган кишиларни доҳиймиз Ленин «мешчанлар, худбинлар» деб қаттиқ қоралаган эди.

Улуғ доҳий келгуси авлод тақдири, уларнинг жисмоний ва маънавий томондан соғлом кишилар бўлиб етишиши тўғрисида кўп қайғурди. Унинг ташаббуси билан болалар бахтини ва келажагини таъминлашга қаратилган бир қанча декрет ва қарорлар қабул қилинди. Эндиликда доҳийнинг бу орзулари тўла амалга ошди.

Статистика маълумотларига кўра, ҳозирги кунда жаҳонда ҳар секундда уч гўдак дунёга келяпти. Ҳа, келажак ҳам, жамият ҳам уларники! Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев «Ҳаётимиздаги ҳар бир йил болалар йили бўлиши керак!» деди.

Болалар — бу эртанги кунимиз экани ҳар қадамда, ҳар соҳада амалий иш билан тасдиқланмоқда. Бугунги давра столи атрофидаги суҳбат ҳам шу мавзуда бўлди.

«СССР ГРАЖДАНЛАРИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШИ, УЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ФОЙДАЛИ МЕҲНАТГА ТАЙЁРЛАШИ, СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТНИНГ МУНОСИБ АЪЗОЛАРИ ҚИЛИБ ЎСТИРИШИ ШАРТ».

СССР КОНСТИТУЦИЯСИДАН.

«БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ҲАЁТИМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ СОҲАСИДИР».

А. С. МАКАРЕНКО.

БОЛАЛАРНИ СЕВИНГ, БОЛАЛАРИНГИЗ УЙИНЛАРИГА, ШЎХЛИК-ҲАЗИЛЛАРИГА КАТТА ПУЛ ОЧИБ ҚЎЙИНГ. АЙТИНГЧИ, БОЛАЛИК ДАВРИНИ, ҲАМИША ЛАБЛАРДАН КУЛГИ, КЎНГИЛДАН ХОТИРЖАМЛИК АРИМАГАН, ДУНЕНИНГ ТАШВИШЛАРИНИ УЙЛАМАГАН ДАМЛАРИНГИЗНИ ҚАЙСИ БИРИНГИЗ КУМСАМАГАНСИЗ?

ЖАН-ЖАК РУССО.

ИМТИЁЗЛИ СИНФ

Р. БАРАБАНОВА,

Бўка районидаги 5-болалар уйининг директори.

СОВЕТ ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ улуғ доҳиймиз В. И. Ленин болаларни имтиёзли синф экanлигини таъкидлаб, яхши нарсаларнинг барчаси уларга, деб кўрсатма берган эди. «Ҳамма болаларнинг тинч ва бахтиёр келажаги учун» мавзуида яқинда Москвада бўлиб ўтган жаҳон конференциясида бу даъват яна бир бор баралла янгради.

«Чанакам тенг ҳуқуқлилик ва халқ ҳокимияти мамлакати бўлмиш Совет Иттифоқида болалар бирдан-бир имтиёзли синф деб аталади. «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга» деган шиор социалистик жамият турмушининг қонунидир».

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу улкан анжуманга йўллаган табригидаги ана шу сўзлар ўзига хос катта мазмун касб этди.

Бизнинг болалар уйимиз тарбияланувчилари ҳам ана шундай ҳуқуққа эга бўлиб, юксак ардоқланмоқда. Бу ерда ҳозир 235 ўғил-қиз бор. Уларни соғлом ва билимдон қилиб вояга етказиш мақсадида барча тадбирлар кўрилмоқда.

Толиби илмлар учун ҳамма нарса етарли. Ётоқхоналар кенг ва ёруғ. Болаларнинг дарс тайёрлашлари, дам олишлари учун алоҳида хоналар ажратилган. Ҳар қаватда телевизор ва радио бор. Ана шундай қулайлик ва ғамхўрликлар туфайли мана беш йилдирки, уларнинг аксарияти аълочи ўқувчилар қаторидан ўрин олди.

Медицина ҳамшираси Э. Лян вақти-вақти билан тарбияланувчиларни медицина назоратидан ўтказиб туради. Шу билан бирга «Тозалик — соғлиқ гарови», «Тишни эҳтиёт қил» деган стендлар ташкил этилган.

Болаларнинг бўш вақтлари доим қувноқ ва мазмунли ўтади. Ёш саёҳатчилар маршрути бўйича алоҳида программа ишлаб чиқилди. Ёзги таътил вақтида сўлим қишлоқлар бўйлаб экскурсиялар уюштирдик.

Ўқувчиларнинг қишки каникулини кўнгилли ўтказиш тадбирлари ҳам кўриб кўйилди. Бу сафар болалар серкуёш республикамиз пойтахти Тошкентга сафар қиладилар. Шунингдек, кўҳна Самарқандга саёҳат уюштирамиз.

Коллективимиз интернационал оилани ташкил қилади. Рус, украин, ўзбек, чуваш, озарбайжон, қирғиз, румин каби 20 га яқин миллат кишиларининг фарзандлари болалар уйида қон-қардошлардек аҳил ва иноқ тарбия топмоқдалар. Биз уларда ўзаро ҳурмат ва ишончни, ўзаро меҳрибонлик ва меҳнатсеварликни таркиб топтириш учун тарбиявий ишларнинг турли усул ва методларидан кенг фойдаланмоқдамиз.

Ўқувчиларнинг болалиги доим осойишта ва қувончли ўтади.

Болалар табассуми бизга беқиёс ифтихор ва бахт бағишлайди.

У. Ҳадимов, Б. Миралиев фотоэтюдлари.

ҒУНЧА ЧЕҲРАЛАРДАН ТАБАССУМ АРИМАСИН

Т. ЭСАНБОЕВ,

Ўрта Чирчиқ район халқ маорифи бўлимининг мудири.

МОСКВАДА чақирилган жаҳон конференцияси халқаро болалар йили доирасида болалик проблемалари юзасидан ўтказилган энг йирик анжуман бўлди. Дарҳақиқат, бизнинг даврimизда нуридийдаларимиз ҳақида, уларнинг келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан кўра улуғ иш йўқ!

Аммо, икки хил дунё, икки хил болалик мавжуд эканлигини ҳеч ким инкор қилмайди. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларда фарзандларимиз нақадар чексиз ардоқланаётган бир вақтда капитал ҳукмрон бўлган давлатларда оддий меҳнаткашларнинг нури-дийдалари оч-ялангоч кун кечираётир. Ҳудди шунинг учун ҳам чет эллик дўстларимиз бизнинг диёрни болажон ватан деб атайдилар.

Узоққа бормай қўяйлик. Биргина бизнинг районда ҳозир 50 га яқин болим ўчоғи толиби илмларни ўз бағрига олган. Бу—бир! Иккинчидан, ҳар хўжаликда икки-учталаб боғчалар ишлаб турипти. Терешкова номли, Куйбишев номли, Ким Пен Ҳва номли ва бошқа колхозлардаги ҳашаматли бинолар кичкинтойлар масканларига айлантирилган.

Яқин келгусида яна бир нечта боғча-ясли қурилиб, фойдаланишга топширилади. Уларни жиҳозлаш учун кўплаб маблағлар сарфланади.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, бахтиёр болаликни таъминлаш учун бизда ҳеч нарса аялмайди. Бундай олижаноблик туфайли мамлакатимизнинг маънавий принципини ташкил қиладн.

Капиталистик мамлакатларга келсак, аҳвол тамоман бошқача. Маълумотларга қараганда, бу давлатларда ишчи миллиард болаларнинг чорак қисми очлик, қашшоқлик, тиббий хизматнинг йўқлигидан азоб чекмоқда.

Янги ўқув йили бошланганига ҳали кўп бўлганича йўқ. Очиғини айтганда, ер юзининг ҳамма ерида ҳам биринчи сентябрда болаларни ўқишга чорловчи кўнгироқ овози жаранглamади. Капитал ҳукмрон мамлакатларда болаларни бепул дарсликлар билан таъминлаш қаёқда дейсиз!!

Тунов куни матбуотда «Боқиманчилар вақшийлиги» сарлавҳали мақолани ўқиган эдим. Ливаннинг жанубида яшовчи аҳолн Исроил агрессиясига, унинг вақшиёна сиёсатига қарши намойишга чиққанда ёш болалар ҳам қамоққа олинган. Бу бегуноҳ ўғилқизлар етти ой давомида азоб чекдилар.

Умуман, Исроил босиб олган араб ерларида вақшиёна иш тутилмоқда. Бу — капиталистик системанинг башарасини кўзгудек яққол кўрсатиб турипти.

«Тинчлик — болалар бахти, барча кишиларнинг бахтидир, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, — Тинчлик бўлмаса, болалик бўлмайди, истиқбол бўлмайди. Урушдан миллионларча кишиларни болалигидан маҳрум этган эди. Ҳар бир кишн буни унутмаслиги жуда муҳимдир». Шунинг учун ҳам тараққийпарвар инсоният ер юзида тинчлик, осойишталик бўлишини қатъий талаб қилмоқда. Қўёш ҳамиша порлаб туриши, осмонимиз бегубор бўлиши керак.

Болаларимиз юзидан табассум сира аримасин!

ЁШ КИТОБХОНЛАР УЧУН

Республика китоб савдоси ташкилотлари адабиётлар пропагандасини яхши йўлга қўймоқдалар. Халқаро болалар йили муносабати билан кичкинтойларга бағишланган асарларни оммалаштириш юзасидан ҳам қатор тадбирлар белгиланди.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида Бекобод шаҳрида «Ўзбек шоирлари — болаларга», Олмалиқ шаҳрида «Мақтов сўзларимиз — китобга!» деган оғзаки журналлар ташкил этилди.

Шунингдек, жойларда «Китоблар — менинг дўстларим», «Китоб сенинг энг яқин дўстинг» кўргазма савдоси уюштирилди.

Китоб магазинларида болалар ёзувчилари иштирокида улар асарлари сотувлари ҳам ташкил этилди.

НАФОСАТ ТУЙҒУСИ

Т. СОАТОВ,

Акмал Икромов район болалар музика мактаби илмий бўлим мудири.

НАФОСАТ туйғуси ёш авлод тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Музика таълими ҳам мактаб ўқув программасидан мустаҳкам ўрин олди. Машғулотларни ташкил этишнинг илғор иш усуллари методик қўлланмаларда ўз ифодасини топмоқда. Кўпгина музика дарсликлари яратилди.

Ўзбекистон композиторлар союзи халқаро болалар йили муносабати билан янги ташаббуслар билан чиқди. Болалар қўшиқлари конкурси эълон қилинди. Кичкинтойлардан ташкил топган ансамбль, хор коллективлари атоқли санъаткорлар оталиғига олинди.

Тошкентдаги «Лола», «Ғунча» ансамбллари эса эндиликда бевосита композиторлар союзи оталигида фаолият кўрсатади. Бизнинг музика мактабимизга ҳам композиторларнинг нигоҳи тушди. Бу — яхши, жуда яхши!

Нуридийдаларимиз нинг музикага, санъатга бўлган қизиқишлари нафосат тарбияси яхшиланиб бораётганидан гувоҳлик беради. «Болалар музика ҳафталиги», «Санъат байрами» ҳам бу борада алоҳида ўрин тутаётир. Халқаро болалар йилига бағишлаб баҳорда Тошкентда ўтказилган «Болалар ва ўсмирлар Бутуниттифоқ музика ҳафталиги» ёш истеъдодлар санъатининг чинакам намойишига айланди.

Бу хил тадбирларни ўтказишни педагогик коллективимиз ҳам белгилаб қўйди. «Бахтли болалик учун партияга минг раҳмат!» деган концерт программаси халқаро санага ўқувчиларимизнинг ижодий армугони бўлади.

Болалар музикани ёшликдан жуда севишади. Қалининн районидаги Ҳамза номли 2-музика мактабида ҳам ёш ихлосмандлар таҳсил кўришмоқда.

Бу ерда машғулотлар тажрибали педагоглар раҳбарлигида жуда қизиқарли олиб борилмоқда. Бунинг учун музика мактабида ҳамма шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Халқаро болалар йили муносабати билан билим ўчоғида байрам концерти тайёрланди.

Суратда: машғулот пайти.

Ғ. Турсунов фотоси.

БОЛАЛАР ИЛИГА БАҒИШЛАНАДИ

Областимизда иқболимиз, келажагимиз эгалари болаларнинг қувноб ўсишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинмоқда. Янгидан-янги мактабгача болалар муассасаларн ташкил этилмоқда. Спорт-соғломлаштириш майдончалари қурилаяпти. Комсомол-ёшлар бу борада муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Қурилиш, тарбиявий-ташкилий ишларда актив иштирок этишаяпти. Яқинда «Дорожник» пионер лагери базасида пионер вожатийлар ва ишлаб чиқариш вожатийларининг анъанавий ўқуви бўлиб ўтди. Бу галги ўқув халқаро Болалар йилига бағишланди.

С. МУСТАФОЕВ.

СОҒЛОМ ЁШЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Ж. ХЎЖАЕВ.

область санитария маорифи уйининг бош врачи.

Ж. НОВОСАРТОВА,

область санитария маорифи уйининг врач-методисти.

БУНДАН йигирма йил муқаддам БМТнинг Бош Ассамблеяси болалар ҳуқуқлари Декларациясини қабул қилган эди. Бу муҳим ҳужжатда Болаликни муҳофаза қилиш, ҳар бир ўғил-қиз истиқболи тўғрисида доимо қайғуриш инсоният олдида турган энг шарафли вазифалардан бири эканлиги таъкидланганди.

Зеро, кичкинтойларга бўлган меҳр-муҳаббат ёш организмнинг соғлом, тетик ва бардамлиги ҳақидаги ғамхўрликдан бошланади. Бу йилги медицина ходимлари кунининг «Болаларнинг соғлиги тўғрисида ғамхўрлик — давлатнинг энг муҳим вазифаси» шиори остида кенг нишонланганлиги бежиз эмас. Бу, гоят муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, биз шифокорлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кичкинтойлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида кейинги йилларда областимизда ҳам кўп ишлар қилинди. Ўтган йилнинг ўзида жойларда тўртта ихтисослаштирилган болалар бўлими ташкил этилди. Ҳомиладорлик патологияси палаталари сони ортди. Педиатрия участкалари яна 20 тага кўпайди. Янгийўл шаҳрида янги иш бошлаган аёллар консультацияси ҳар сменада 250 дан ортиқ кишига хизмат кўрсата олади.

Кейинги йилларда областимиз шаҳар ва қишлоқларида сут теомлари тайёрлаб берувчи ошхоналар анча кўпайди. Озиқ-овқат магазинларида болалар маҳсулотлари билан савдо қилувчи бўлимлар ишлаб турибди. Агар мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳозир кунига 67,5 минг порция сут таомлари тайёрлаш қувватига эга бўлган 12 та ошхонага эгамиз.

Болалар поликлиникалари ҳузурида ташкил этилган маҳсус пунктлар ҳам бу борада медицина ходимларига яқиндан ёрдам беришаётганини эслатиб ўтиш лозим. Бу пунктлар сут таомларини тарқатишда бой тажриба орттирганлар. Шунингдек, кичкинтойларга бир ёшга тўлгунга қадар сутлар бепул берилмоқда.

Қишлоқ районларида тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланган. Бунда, шубҳасиз кичкийтойларга бўлган эътибор жуда катта. Жойларда терапевт, стоматолог ва педиатрдан иборат қишлоқ даволаш амбулаториялари ташкил этилаётгани ўғил-қизларимиз саломатлигини тағин ҳам яхшилаш имконини бераётир.

Қишлоқ даволаш амбулаторияларига қўшимча равишда врач-педиатр штати берилганлиги нур устига аъло нур бўлди. Шу билан бирга қишлоқ касалхоналари акушер-гинекологлар билан мустаҳкамланмоқда. Медицина олий ўқув юртлари бу соҳа мутахассисларини кўплаб тайёрлашга киришдилар. Бинобарин, кўрилаётган бу каби тадбирлар амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатишни кенг йўлга қўйиш имконини беради.

«Совет кишиларининг турмушини яхшилаш, уларнинг сиҳат-саломатлиги ва дам олиши тўғрисида, меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари бўш вақтларидан ўзи ва жамият учун фойда келтирадиган тарзда оқилона фойдаланиш ҳақида ғамхўрлик қилиш—социал системамизнинг жуда катта соҳасидир» деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев. Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш иши социал-маданий қурилишнинг гоят муҳим қисмидир. Бинобарин, болалар сиҳат-саломатлигини таъминлаш катта ижтимоий аҳамият касб этади.

Болалар соғлиги — эртанги кунимиз соғлигидир. Буни биз шифокорлар жуда яхши биламиз. Шу сабабли ёш авлоднинг ҳамиша жисмонан соғлом, тетик, бардам ва қувноқ ўсиб-улғайиши учун қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

Ҳозир барча жойларда ўзбек халқининг севимли шоирлари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Ҳамид Олимжон туғилган кунни нишонлаш юзасидан катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Оққўрғон райони марказидаги А. Навоий номли кутубхона коллективи ҳар икки сакани муносиб нишонлаш мақсадида китоб кўргазмалари, китобхонлар конференциялари ўтказмоқда.

Ҳамза туғилган кунининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилган суҳбатлар кўплаб китобхонлар иштирок этдилар. Улар Ҳамза асарларидан намуналар ўқиб бердилар. Ҳозир эса Х. Олимжон таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб китобхонлар конференцияси ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Кутубхонанинг 3 мингдан ортиқ аъзоси бор. 31 мингдан ортиқ китоб улар ихтиёрида.

«БАҲОР» ТАРИХИГА САЁҲАТ

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Муккаррама Тургунбоева бутун ҳаётини рақс санъатига бағишлаган. Унинг ташаббуси билан тузилган «Баҳор» ансамбли ҳозирги кунда барча қалбларни мафтун этмоқда. Муккаррама Тургунбоева 50 га яқин рақсни саҳналаштирган бўлиб, уларнинг кўпчилигини «Баҳор» ансамбли қизлари биринчи бор саҳнага олиб чиқишди. Ҳозирги кунда бу рақсларни неча минглаб ватандош ҳаваскорлар ихлос билан ижро этмоқдалар.

Р. Каримованинг «Баҳор» ансамбли рақслари китоби саҳифаларини варақласангиз, яна кўпгина маълумотлардан хабардор бўласиз. «Баҳор» ансамбли ташкил этилгач, икки йил ўтмай жаҳон ёшлар фестивалида голиб чиқди. Бутуниттифоқ фестивалларида актив қатнашиб, неча бор совриили ўринларни эгаллади.

Ўзбек хореография санъатини юқори погонага кўтаришда «Баҳор» қизлари катта ҳисса қўшдилар. Рақс ансамбли ва унинг ташкилотчилари босиб ўтган йўл китобда жозибали ҳикоя қилинган.

М. ЗАРИПОВ.

УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРЛАРИ

СССР Медицина фанлари академиясининг академиги Д. Чеботарёв бундай дейди:

— Кимни «узоқ умр кўрди?» дейиш мумкин? 90 ва ундан ортиқ ёшдаги кишиларни. 1970 йилда аҳоли рўйхатига кўра мамлакатимизда ёши 100 дан ошганлар сони 19 минг бўлган. Уларнинг катта кўпчилиги асосан табиат қўйнида яшайди, шаҳарларда, айниқса, йирик шаҳарларда эса бундайлар кам учрайди.

Ўтган аср ўрталарида 50 яшар кишини кекса ҳисоблашарди. Бизда эса бу ёш ижодий фаоллик ёшидир. СССРда пенсия ёшидагиларнинг 36 проценти 80 ёшдан ошганлардир. Улар бирор оғир касаллик кўришмаган, маданият, снёсат билан қизиқишади, ҳуллас, тўлақонли ҳаёт кечиришади.

Геронтология илми бутун дунёда тез ривожланиб бормоқда. Бунинг боиси шуки, ҳамма жойда, айниқса ривожланган мамлакатларда 60 ёшдан ошган кишилар сони тобора кўпаймоқда. Айни вақтда ўртача умр кўриш даражаси ортмоқда. Масалан, мамлакатимизда Совет ҳокимияти йилларида бу даража икки баробардан зиёд (32 ёшдан 70—73 ёшгача) ўсди.

Аҳолининг қариб бориши бир қатор муаммоларни туғдиради. Бу — социал таъминотни, соғлиқни сақлаш, кекса кишиларни ишга жойлаштириш, қурилиш, савдо ишларини янада такомиллаштиришдан иборат. Аммо, социал масалаларни биологик муаммоларни билмасдан туриб ҳал этиб бўлмайди. Бу гап айниқса кекса ва қари одамларни даволашга тааллуқлидир.

Қариётган организм физиологияси кўплар ўйлаганидек, энг кўп ўзгаришга 60—65 ёшларда учрамайди. Бу жараён 40 ёшлар атрофида бошланади. Резервлар камаяди, мослашув даражаси пасаяди, касалликларга беришлиш ортади, атеросклероз, гипертония каби хроник касалликлар етила боради.

Ҳозирги вақтда инфарктларнинг энг кўпи 90 ёки 85 ёшда эмас, балки 60 ёшда (айниқса эркакларда) содир бўлади. Организмда касаллик учун шароит яратган ўзгаришлар қандай? Буни билиш учун қариш биологиясини ўрганяпмиз?

Тадқиқотларимизнинг иккинчи йўналиши — бу кексалардаги касалликларнинг хусусиятлари билан, учинчиси эса социал геронтология ва гериогиена соҳалари билан боғлиқдир.

Кексайиш механизми нималардан иборат?

Бу саволга жавоб бериш осон эмас. Тўғри, баъзи бир фаразлар бор, аммо улар асоссиздир. Шулардан бири тўқимани ўрганиш имконияти туғилгач пайдо бўлди. Баъзи бир олимлар, кексайган организмда оқсил молекуласида камчиликлар содир бўлади, киши қариган сари улар орта боради, демоқдалар. Бунда оқсил тўқималаридаги камчиликлар организмнинг ҳамма жойларига тарқалиб, тўқималарнинг, демакки, бутун организм системалари ва органларнинг фаоллигини камайтиради.

Аммо, қаришнинг ўзи нима?

Биз икки хил қаришни биламиз. Бири физиологик қариш бўлиб, у 80 ёшдан ошган ва соломатлигини сақлаб қолган кишилардаги қаришдир. Иккинчиси — барвақт қаришдир. Афсуски, кишиларнинг катта кўпчилиги барвақт қарийди. Шу боисдан ҳам одам кўпинча 80—90 ёшгача яшай олмайди. 80—90 ёш—тирик жон эришиши мумкин бўлган марадир. Ҳа, одам 90—100 йил яшай олади.

Қариликнинг генетик, наслий хусусияти бор. Агар сизнинг ота-онангиз узоқ умр кўрган бўлса, сизда ҳам узоқ яшаш учун асос кўпроқдир. Агар ота-онангиз атеросклероз, гипертония, қанд касаллиги билан оғриган бўлса — булар ҳаммаси наслдан наслга ўтиши кам учрамайди.

Одам муайян наслий программа билан туғилади. Унинг «умр соати» олдиндан бураб қўйилган. Мана шу программани турмуш кечириш тарзи ва ташқи омиллар таъсирида узайтириш ҳам мумкин, қисқартириш ҳам. Кўпчилик ҳолларда эса биз шу программани узайтирмаймиз ва ҳатто мумкин бўлган даражада ҳам тутиб туролмаймиз, аксинча, қисқартирамиз уни. Бу эса ташқи муҳит ва зарарли одатлар — чекиш, ичиш, овқатланиш режимини бузиш таъсири остида бўлади.

Бошланиши 3-бетда.

ФАН ОЛАМИДА

Олимлар ҳозирча генетик программага таъсир қилолмайдилар, албатта. Биз умрни узайтириш мақсадларида генетик программани қандайдир сунъий йўл билан ўзгартира олмаймиз. Аммо, баъзи бир фолбинлар, айниқса, америкаликлар бундай имконият 2020 йилларга бориб тугилади, демоқдалар. Шу вақтга бориб, қисқа ва узоқ умр кўрган кишиларнинг наслий «сири» маълум бўлиб, умр вақтини белгилайдиган генлар группалари маълум бўлар эмиш. Ана шундагина инсон наслини ўзгартиш ва шу йўл билан умрни узайтиришга таъсир этиш имкони тугилармиш.

Ҳозирча биз умрни узайтириш учун ташқи муҳит омилларига таъсир қилмоқдамиз. Булар — турмуш тарзи, меҳнат ва овқатланишни ташкил этиш, кишилар орасидаги муносабатларни яхшилаш, кейинчалик эса эҳтимол, табиатга яқин дори-дармонларни қўллаш ва бошқалардир.

«Зарарли» одатлар эса, кўпчилик ўйлагандек, ҳамма вақт ҳам хатарли эмас. Масалан, Черчилл узлуксиз сигара чекар, коньяк ичарди. Бу семиз одам 90 йил умр кўрди. Аммо у чекмаганида, ичмаганида 100 ёшгача ҳам бемалол яшаган бўларди. Черчиллдан «Қандай қилиб 90 йил умр кўрдингиз?» деб савол беришганида, «хеч қачон овқат пайтидан кечикмаганман» деб айтарди. Демак, у овқатланиш режимига қатъий амал қилган.

Семизлик ҳам ҳар хил бўлади. Ҳозир ҳамма семиришдан қўрқади. Аммо, одам умр бўйи семиз бўлган бўлса, бунинг ҳавфли жойи йўқ. Киши 50—60 ёшида семира бошласа — бу хатарли. Касаллик шундан бошланади. Одам тузилиши билан бўғлиқ бўлган тўлалик эса касалликка шерик бўлмайди. Аксинча семириш касалликлар билан боғлангандир.

Кўпинча, барвақт қаришнинг олдини олишда ҳаракат қандай наф беради, деб сўрашади. Машҳур француз олими айтганидек, иш—ҳаракат ҳар қандай дори-дармоннинг ўрнини босади, аммо дунёдаги жамми дори-дармонлар иш-ҳаракат ўрнини босолмайди.

Биз ҳаракатчанлик тарафдоримиз, аммо бу қариб бораётган организм имкониятларига жавоб берадиган ҳаракатчанлик бўлиши лозим. Агар организм ёш бўлмаса, унга ортиқча нагрузка бериш, толиқтириб қўйиш зарар келтиради. Бу ишга хотиржам ёндошиш зарур. Биз ҳатто югуриш эмас, кўпроқ пиёда юриш тарафдоримиз. Баъзи бир олимлар бадан—тарбия вақтида 30 марта ўтириб туришни тавсия этадилар — мен кексаларга бундай маслаҳат бермаган бўлур эдим. Бундай машқларни ёш, кўп тренировка қилган йигитларгина бажара олади.

Энди овқатланиш масаласига келсак, тахминан 70 ёшларга борганда таом калориясини 30 процент қисқартириш лозим. Калорияни камайтириш, миқдорини ўзгартириш лозим. Менга қолса, мол ёғи истеъмолини камайтириш (бу атеросклерозни кучайтиради), таркибида углеводлар, айниқса, қанд-шакар ва қанд бўлган маҳсулотлар тановвул қилишни чеклашни тавсия қиламан. Негаки, қанд қонда холестеринни кўпайтиради, демак, атеросклерозни ривожлантиради.

Шубҳасиз, нормал вазндаги одамлар узоқ умр кўради. Бир «сир»ни айтиб қўяй: ҳар гал камроқ, аммо тез-тез овқатланиб туриш даркор. Одам кўпинча сунъий равишда иштаҳа қўзғайди: бироз ароқ ичади, нордон закуска қилади. Агар у бундай қилмай, ишни биринчи ёки иккинчи таомдан бошлаганида, камроқ миқдорда тановвул қилган бўларди, негаки ошқозон шираси сунъий ажралмас, яъни, ортиқча иштаҳа қўзғолмас эди...

Яна бир фикрни олға сурмоқчиман. Менимча, биз ҳали онлада кекса одамлар тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилмаймиз. Қизиқ, цивилизация кекса одамларни баъзан аянчли аҳволга солиб қўяди. Ҳозир турар-жой шароити тобора яхшиланмоқда. Ёшлар кекса ота-оналаридан ажралиб, бошқа жойга кўчиб кетишади, онлада кексаларга нисбатан диққат-эътибор камаяди. Бу ерда ғап илиқ муносабатлар, кексалар кўнглини олиш, меҳрибонлик ҳақида боряпти.

Пировардида таъкидламоқчиманки, биз шунчаки узоқ умр кўриш эмас, балки фаол узоқ умр кўриш учун интилишимиз лозим. Яъни, кексайганда меҳнат қобилияти ва саломатликни сақлаш ва узайтириш даркор.

Бу — врачлар, олимлар, ҳамма-ҳамманинг вазифасидир.

(«ЭВРИКА» альманахидан).

Кўҳна Чотқол тоғи сўқмоқларида.

В. Таран фотоэтюди.

СССР Рассомлар академиясининг мухбир аъзоси, ҳайкалтарош Омар Элдоров жуда кўп монументаль портретлар авторидир. Душанбе шаҳрига ўрнатилган тожик ёзувчиси ва олими Садриддин Айнийнинг ёдгорлик ансамбли учун ҳайкалтарош номзоди СССР Давлат мукофотига тавсия этилди. Суратларда: ҳайкалтарош О. Элдоров ўз ижодхонасида; ансамблдан бир кўриниш.

Ю. Рахиль фотолари. ТАСС фотохроникаси.

КУТУБХОНАДА АХБОРОТ КУНИ

Тошкент трактор заводининг ишчилари, инженерлари, техниклари фан-техника кутубхонасида ойнинг иккинчи жума куни янги китоблар келтиришини яхши биладилар. Ахборот куни деб аталган ана шу кунда ишлаб чиқаришнинг энг хилма-хил тармоқларига оид китоблар маҳсус стендга қўйилади.

Тракторсозларнинг кутубхонаси ўттизта илмий-техника ахборот институти билан алоқа боғлаб турибди. Кутубхонада мамлакатдаги турдош корхоналарда новаторлик ташаббуслари тўғрисидаги материалларни мунтазам равишда олиб оммалаштирилиб турилади. Мутахассисларнинг бошқа корхоналардаги ишлаб чиқариш тажрибаси билан кенг танишиш имкониятига эга бўлганлиги заводда ҳар йили кўплаб маблағни тежаш имконини бермоқда.

Кутубхона ходимлари билан бирга 150 нафар жамоатчи илмий-техника адабиётини пропаганда қилмоқда. Заводнинг ўттизта цехи ва бўлимларида кутубхонанинг кўчма филиаллари очилган, токарлар, слесарлар, қуювчилар, фрезерчилар учун тавсия этиладиган китоблар кўргазмалари ташкил қилинди.

Ҳар ўн нафар тракторсоздан саккиз нафари завод илмий-техника кутубхонасининг китобхонидир.

(ЎзТАГ).

Спорт

БОШЛАНИШИ КЎНГИЛЛИ БЎЛМАДИ

Европа чемпионлари кубоги, кубок эгалари кубоги ва УЕФА кубоги учун биринчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Совет футболчилари эришган дастлабки натижалар мухлисларни хурсанд этаолмади. Чемпионлар кубогида Ватанимиз спорти шарафини ҳимоя қилган Тбилиси динамочилари кучли «Ливерпуль»га сафарда 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйдилар, УЕФА кубогида қатнашаётган Киев динамочилари ва «Шахтёр» биринчи тур ўйинларини ўз майдонларида ўтказишди.

Динамочилар Софиянинг ЦСКА «Септемврийско знаме» командасини қабул қилишди. Иккинчи минутдаёқ Бессонов ҳисобни очди. Лекин кейинчалик майдон эгалари ташаббусни бериб қўйишди ва 34 минутда Методиев ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Иккинчи бўлимда майдон эгалари қанчалик актив ҳаракат қилишмасин, биттадан ортиқ тўп кирита олмадилар. 55 минутда Демьяненко иккинчи тўпини киритди. 2:1 ҳисоби ўзгармади.

«Шахтёр» эса Франциянинг «Монако» командасини қабул қилди. Кончилар 2:0 ҳисобида ютиб туриб, ўйин тугашига 10 минут қолганида ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юбордилар.

Голлар запасидан қониқиш ҳосил қилмаган мухлислар футболчиларимиз учун жавоб учрашувларй огир бўлишини яхши тушунадилар.

«ПАХТАКОР» ҒАЛАБАСИ

Ўтган куни Олмаотада «Қайрат» билан «Пахтакор» футболчилари қолдирилган ўйинни ўтказишди. Тошкентликлар сафида мухлислар яна икки янги ўйинчини кўришди. Булар Москванинг «Динамо» командасидан ўтган Якубик ва «Янгиер»дан қабул қилинган Мальцевлардир.

Кутилганидек, ўйин мезбонларнинг ҳужуми билан бошланди. Дастлабки минутларда майдон эгалари пахтакорчилар дарвозаси олдида бир неча қулай имкониятлар яратишди. Лекин, Яновский бошлиқ ҳимоячилар хавфли вазиятларни бартараф эта олдилар. 28 минутда Тўра Шоирмардонов киритган ягона тўп ўйин тақдирини тошкентликлар фойдасига ҳал қилди. Бу билан «Пахтакор» биринчи даврадаги мағлубият аламини олди.

Навбатдаги тур ўйинлари 23—24 сентябрь кунлари бўлади. «Пахтакор» ўз майдонида Ленинграднинг «Зенит» командасини қабул қилади.

ЧЕМПИОН ҚЎШИМЧА ЎЙИНДА АНИҚЛАНАДИ

Чим устида хоккей бўйича аёллар ўртасида биринчи марта ўтказилаётган мамлакат чемпионатида Москва областининг «Спартак» командаси голиб келишига ҳеч ким шубҳа қилмаган эди. Узининг асосий рақиблари—«Андижанка» командасини 3:0 ҳисобида енган спартакчилар охирги ўйинда пойтахт студентлар командаси билан дуранг қилган тақдирда ҳам олтин медаль эгаси бўлишарди.

— Биз кечқурунги рейсда Тошкентга учмоқчи эдик, энди билетларни қайтариб беришга тўғри келади. — деди спартакчилар мағлубиятдан кейин «Андижанка» тренери Мирон Ким.

Шундай қилиб, пойтахт областининг «Спартак» ва республикамиз вакили «Андижанка» хоккейчилари бир хил — 8 тадан очко тўплаб, биринчи-иккинчи ўринларни бўлишиб олишди. Бугун ана шу икки команда ўртасида бўладиган қўшимча ўйинда биринчи чемпион маълум бўлади.

ТЕРМА КОМАНДА САФИДА

Чехословакияда қиличбозлик бўйича социалистик мамлакатлар Қардошлик армиялари спортчилари ўртасида бошланган чемпионатда совет спортчилари дастлабки галабани қўлга киритишди. Польша, Венгрия, Болгария, ГДР ва Чехословакия спортчиларини орқада қолдирган совет рапирачилари голиб келишди. СССР халқлари спартакиадаси чемпиони Владимир Смирнов биринчи бўлди. Мамлакат терма командаси сафида иштирок этган тошкентлик Собир Рўзиев иккинчи, Павел Железнов эса тўртинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ИЛОНГА ТУШИРИЛГАН НИШОН

Тожикистон Фанлар академиясининг олимлари таклиф этган рангсиз суюқликдан қилинган нишон илон ва қушларнинг кўчишини кузатишга имкон беради. Бу нишон судралувчи ва қушларнинг бутун умри бўйича сақланади ва саноат кўплаб ишлаб чиқараётган радиоспектрометрлар ёрдами билан ушланади.

— Янги маркировка методининг ўз фазилатлари бор, — деди республика фанлар академияси зоология ва паразитология институтининг директори М. Нарзиқулов.— Рангсиз эритма анъанавий халқалаш ва бўяш ўрнига ишлатилади. Халқалаш ва бўяш эса баъзида қушлар жуфтини ҳуркитиши ва баъзан бир-биридан ажратиб юбориши мумкин. Эритма пульверизатор билан туширилиши эса кўпгина кишиларнинг меҳнатини енгиллаштирди. Бу нарса Тожикистон ўрмонларида яшайдиган жониворлар сонининг табиий механизмини тадқиқ этишда янги-янги имкониятлар очиб беради.

А. ПИЛЬМАН, ТАСС мухбири.

Душанбе.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети 85-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ТУҚУВЧИ ВА ЙИҒИРУВЧИЛАР ГРУППАСИГА 8—10-синфни тугатган ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил.

Ҳунар билан бирга ўрта маълумот бериладиган группаларда ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим билан таъминланади. Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга ойига 70 сўмдан стипендия тўланади. Бундан ташқари ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 процентигача миқдорида пул тўланади. Саккизинчи синфни тугатиб, бир йиллик группага ўқишга кирганлар комбинат қошидаги ишчи-ёшлар мактабида ўқишни давом эттиришади.

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Ўқишни аъло битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларининг кундузги ва бошқа бўлимларига ўқишга юборилади.

Билим юртида яхши спорт базаси, шунингдек, қишки бассейн, тикиш-бичиш тўгараги, фото тўгараги ва вокал-чолғу ансамбли мавжуд.

Бошқа шаҳарлардан келганлар бепул ётоқхона билан таъминланади.

МАШҒУЛОТЛАР — 25 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ҳунар билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома, 6 та фотосурат (3х4 см.), характеристика, турар жойидан справка, медицина справкаси.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3-автобусларнинг «85-ГПТУ» бекати, 18, 54, 58, 57, 80-автобуслар, 7, 9, 11, 24, 28-трамваялар, 2, 6, 14, 15, 16, 13-троллейбусларнинг «Театральная» бекати). Телефон 53-39-01.

СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ 176-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1979—80 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭЛЕКТРОКАРЧИ МАЛАКАСИГА ЭГА БЎЛГАН АВТОСЛЕСАРЬ. Билим юртини тамомлагач, автомобиль ҳайдаш ҳуқуқини олганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Ўқиш муддати — 3 йил. Шу ихтисос бўйича ўқувчилар ётоқхона билан таъминланмайди; ЭЛЕКТРЧИ. Ўқиш муддати—3 йил; ЭЛЕКТРГАЗ ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати—3 йил. 15 ярим ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади; САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ-МЕХАНИК. Ўқиш муддати—3 йил. ОТК КОНТРОЛЕРИ. Ўқиш муддати—3 йил. Фақат қизлар қабул қилинади. Шу ихтисос бўйича ўқувчиларга ётоқхона берилмайди; УНИВЕРСАЛ-ФРЕЗЕРЧИ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ. Ўқиш муддати—бир йил ва 3 йил; ШЛИФОВКАЧИ. Ўқиш муддати—1 йил, 15 ярим ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; ЭЛЕКТР КУПРИКЛИ КРАНЛАРНИНГ МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил. Асосан қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати—1 йил бўлган группаларда ўқувчиларга стипендия тўланади; ПРЕССЛАШ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ. Ўқиш муддати—1 йил, 17 ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; МЕХАНИКАЙИҒУВ-ИШЛАРИ СЛЕСАРИ МАЛАКАСИГА ЭГА БЎЛГАН ТРАКТОРЧИ-СИНОВЧИ. Ўқишни тамомлагандан кейин автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади. Ўқиш муддати—1 йил, 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади; ГЕМИРЧИ. Ўқиш муддати—1 йил; 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати—1 йил, 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади; АГРЕГАТ ВА МАХСУС СТАНОКЛАР СОЗЛОВЧИСИ. Ўқиш муддати—3 йил; ГОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ. Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил; ДУРАДГОР. Ўқиш муддати—1 йил. 15 ярим ёш ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ҲАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР ГУЛА ЎРТА МАЪЛУМОТ ВА КАСБГА ЭГА БЎЛГАНЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА ДИПЛОМ ОЛАДИЛАР ҲАМДА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ ВАҚТИДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

Билим юртига қабул қилинганларнинг ҳаммаси кунига 3 марта иссиқ овқат, кийим-кечак, иш кийими билан таъминланади, зарур бўлганларга эса сменна типидаги ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб топилган сумманинг бир қисми тўланади.

Билим юртининг жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналари, стадиони, спорт зали, ҳовузи бор. Эстрада, духовой ва миллий ансамблар ишлайди. Езги каникул даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справка, ота-оналаридан бири ишлаб турган жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат, характеристика.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: 700177, 1-Ташавтомаш массиви (1, 1э, 18, 24-автобусларнинг «Трактор заводи» бекати, 22-трамвайнинг «13-поликлиника» бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горичлар, қаердасиз! 10.35 — Ҳақиқат излаб. Бадиий фильм. 3-серия. 11.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — А. Грин ҳаёти ва китоблари. 16.50 — Шахмат мактаби. 17.20 — Концерт. 17.45 — Москва ва москвaликлар. 18.15 — Мунозара—клуб. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Жасорат. 20.00 — Халқ оҳанглари. 20.10 — Ҳақиқат излаб. Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Келинг, дўстлар куйлаймиз. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Мультфильмлар. 11.55 — Болалар концерти. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.40 — Ешлик. 19.10— Новаторлар эстафетаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — Оламда нима гап? 20.30 — Ахборот. 20.50 — Жиззах область филармонияси артистлари концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик зарбдор фронт. 22.20 — Чехов номли Самарқанд рус драма театри 60 ёшда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Машаққатли километрлар. Бадиий фильм. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Музикали программа. 21.00 — Пойтахт области далаларида. 21.30 — Ўқитувчилар учун консультация. 22.00 — Телефильмлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21|IX да Дунёнинг яратилиши, 22|IX да Петр Биринчи, 23|IX да Олеша «Орзуларнинг сеҳрли шамчироғи» (12.00), Афсоналар водийси (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21|IX да Тирик мурда,

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21|IX да Тошкентнинг Нозанин маликаси, 22|IX да Тўйдан олдин томоша, 23|IX да Тошкентнинг нозанин маликаси.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 22|IX да Совет цирки-нинг 60 йиллигига бағишланган юбилей программаси (16.00 ва 19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325743; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 13228. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2572.